

МИГРЕННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРИ: ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ

Ходжиева Дилбар Таджиевна
Ахмедова Дилафрўз Баходировна
Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация: Мигрень сурункали неврологик касалликлардан бири бўлиб, унинг иқтисодий таъсири катта аҳамиятга эга. У нафақат беморнинг шахсий ҳаёт сифатига, балки глобал даражада жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Тиббий харажатлар ва ишлаб чиқариш қобилиятининг йўқолиши мигреннинг асосий иқтисодий зарарини ташкил этади. Бундан ташқари, оила аъзоларининг вақт ва молиявий ресурслари ҳам мазкур зарарнинг бир қисми бўлиб, унинг умумий кўламини оширади. Ушбу мақолада мигреннинг иқтисодий таъсири, уни баҳолаш усуллари ва самарали профилактика ҳамда даволаш чораларининг аҳамияти кенг ёритилади.

Калит сўзлар: Мигрень, иқтисодий таъсир, тиббий харажатлар, ишлаб чиқариш қобилияти, сурункали касалликлар, глобал иқтисодиёт.

Кириш

Мигрень дунё аҳолисининг 15% га яқинини ўзига жалб қилувчи кенг тарқалган сурункали неврологик касаллик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, мигрень иқтисодий зарар келтирадиган касалликлар рўйхатида етакчи ўринларни эгаллайди. Европа Иттифоқи мамлакатларида мигреннинг йиллик иқтисодий зарари тахминан 50 миллиард евродан ортиқ бўлиб, бунинг асосий қисми ишлаб чиқариш қобилиятининг йўқолиши билан боғлиқ. АҚШда ҳар йили мигрен билан боғлиқ йўқотишлар 13–17 миллиард долларга етади. Ўзбекистонда аниқ иқтисодий кўрсаткичлар камроқ ўрганилган бўлса-да, жаҳон статистикаси мамлакат учун ҳам умумий

тенденцияларни акс эттиради. Мигреннинг иқтисодий таъсири икки асосий йўналишга бўлинади: тўғридан-тўғри тиббий харажатлар ва билвосита иш қобилиятининг йўқолиши билан боғлиқ харажатлар. Бундан ташқари, ижтимоий ва оилавий ресурсларнинг сарфи ҳам бемор ҳаётига салбий таъсир кўрсатади ва иқтисодий йўқотишларни янада кучайтиради.

Адабиётлар таҳлили ва статистик маълумотлар

Мигреннинг иқтисодий таъсирини тушуниш учун тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Европада ўтказилган тадқиқотларга кўра, мигреннинг умумий харажатларининг 35–40% и тиббий харажатлардан, қолган қисми эса ишлаб чиқариш қобилиятининг йўқолиши билан боғлиқдир. Тиббий харажатларга невролог маслаҳатлари, ташхислаш воситалари (МРТ, КТ) ва доривор воситалар кириб, CGRP антагонистлари, триптанлар ва профилактик терапия учун ажратиладиган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мигреннинг хуружлари кўпинча юқори сенсор сезувчанлик ва оғир бош оғриқлари билан намоён бўлиб, ҳар бир хуруж ўртача 4–72 соатгача давом этиши мумкин. Америка тадқиқотларида кўрсатилганидек, мигрень хуружлари сабабли ҳар йили 113 миллион иш куни йўқотилади ва бу фақатгина АҚШ учун йўқотишлар 10 миллиард доллардан ортиқ бўлишини кўрсатади. Билвосита харажатлар доирасида ишдан қолиш ёки ишдаги паст унумдорлик кўрсаткичлари мигреннинг иқтисодий зарарини янада оширади. Пресентеизм (ишда бўлишга қарамай самарали ишлай олмаслик) кўрсаткичи мигренли беморларда 30–50% га етгани қайд этилган. Айнан шу ҳолат глобал иқтисодиёт учун муҳим зарар манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон учун аниқ кўрсаткичлар камроқ ўрганилган бўлса-да, Европа ва АҚШдаги тенденциялар мамлакатнинг иш унумдорлиги ва тиббий харажатлар бўйича хулоса қилиш имконини беради.

Мигреннинг оила ва жамиятга таъсири

Мигрен нафақат шахсий харажатларни, балки оилавий сарф-харажатларни ҳам оширади. Оила аъзолари беморга парвариш қилишга вақт ажратиши, тиббий хизмат ва даволаш харажатлари учун маблағ сарфлашга мажбур бўлади. Бундай харажатлар узок давом этувчи сурункали мигренда иқтисодий юкни янада кучайтиради. Бундан ташқари, ижтимоий таъсирга эга бўлган йўқотишлар ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, ижтимоий муносабатларнинг сусайиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва ижтимоий изоляция мигрен билан оғриган беморлар учун қўшимча салбий оқибатлардир.

Профилактика ва иқтисодий зарарни камайтириш чоралари

Мигреннинг иқтисодий зарарини камайтириш учун эрта ташхис ва самарали даволаш чораларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. CGRP антагонистлари ва профилактик терапия воситаларидан фойдаланиш хуружлар сонини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, иш жойларида тиббий дастурларни жорий этиш, мигренли беморлар учун махсус шароитлар яратиш ва стрессни камайтиришга йўналтирилган чоралар иқтисодий зарарни камайтиришда самарали бўлиши мумкин. Аҳоли ўртасида маълумот бериш ва мигренни бошқариш усулларини ўргатиш ҳам касалликнинг умумий иқтисодий оқибатларини енгиллаштириши мумкин.

Хулоса

Мигреннинг иқтисодий зарари жуда катта бўлиб, у шахсий, оилавий ва глобал даражадаги молиявий йўқотишлар билан характерланади. Унинг тўғридан-тўғри тиббий харажатлари ва ишлаб чиқариш қобилиятининг йўқолиши каби билвосита зарарлари жамият ва давлат иқтисодиёти учун жиддий таҳдид туғдиради. Эрта ташхис, самарали профилактика ва замонавий даволаш усуллари билан мазкур зарарларни камайтириш мумкин. Умумий ёндашувнинг такомиллаштирилиши ва ҳар томонлама чора-тадбирларни қўллаш мигреннинг

иктисодий таъсирини сезиларли даражада камайтириб, беморлар ҳаёти сифати ва жамиятнинг иқтисодий барқарорлигига ижобий ҳисса қўшади.

Адабиётлар

1. Akhmedova D. B., Xodjieva D. T. Analysis of the prevalence of headaches among the population in bukhara region //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 431-433.
2. Ходжиева Д. Т., Ахмедова Д. Б. Гирудотерапия тарихи ва илмий асослари //Журнал "Медицина и инновации". – 2021. – №. 3. – С. 143-146.
3. Ахмедова Д. Б. СУРУНКАЛИ ЗЎРИҚИШДАГИ БОШ ОҒРИҚЛАРИДА БЕМОР НЕЙРОПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИГА ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 408-413.
4. Ходжиева Д. Т., Ахмедова Д. Б. Турли генезли бош оғриқларида беморларни олиб боришга дифференциал ёндашув ва реабилитация усулларини такомиллаштириш //журнал неврологии и нейрохирургических исследований. – 2022. – Т. 3. – №. 4.
5. Bakhodirovna A. D. Analysis of Side Effects of Drugs Used in the Treatment of Chronic Tension-Type Headache //international journal of inclusive and sustainable education. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 54-55.
6. Ахмедова Д. Б. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренда олий нерв фаолияти бузилиши //журнал неврологии и нейрохирургических исследований.–2021.–№. SPECIAL. – Т. 1.